



Министерство
здравоохранения
Республики Узбекистан



Самаркандский
государственный
медицинский институт



Кафедры фундаментальных
дисциплин Самаркандского
государственного
медицинского
института



ПРОГРАММА КОНФЕРЕНЦИИ

Международная научно-практическая конференция
**РОЛЬ ИННОВАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ В МЕДИЦИНСКОМ
ОБРАЗОВАТЕЛЬНОМ ПРОЦЕССЕ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ
ДИСЦИПЛИН И КЛИНИЧЕСКОЙ МЕДИЦИНЫ**

Самарканд-2021

6-7 мая

**«Педагогические и психологические особенности развития,
формирования и становления личности врача»**

хусусиятлар уларнинг иқтимоий ҳаётида шахсий ва ўғалар тақрибаси, аждодлар анъаналари, таълим-тарбиянинг фаол таъсири остида аста-секин шакллана боради. Таълим-тарбия ўғаларнинг маънавий таъсири остида инсон ўзида ижобий ахлоқий фазилатларни шакллантиради ёки «ёмон дўстлар» зъин салбий одатлар соҳибига айланади.

Ўқувчиларни умуминсоний кадриятлар асосида тарбиялаш, бу ёш авлоддан миллий гоё асосидаги тафаккур , чуқур bilim ва ихтисосликни талаб қилмоқда. Унинг негизин миллий кадриятларимиздир. «Янгича яшаш, озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт куриш туйғуси эа ёш авлод олдига кекса авлодга қараганда маъсулиятлироқ вазифаларни қўймоқда. Хусусан, онг ва тафаккур ҳамда маънавий кадриятлардаги ўғаришлар ҳаёт талабидан оқда қолаётганлиги маънавий салоҳиятдаги кусулар билан боғлиқдир.

Кадриятлар - жуда сермалму ва кўп қиррали тушунча. Кадрият деганда - инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элит ва иқтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуи тушунилмоғи лозим. Кадриятлар иқтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади.

Умуминсоний кадриятлар туркумига инсоният цивилизациясининг тараққиёти билан боғлиқ бўлган усумбашарий муаммолар қиради. Улардан энг асосийлари ер юзиде илим фанини тараққий эттириш, тинчликни сақлаш, ядровий қуроқларнинг пойғасини тўхтатиш, халқаро ҳафисликни таъминлаш, турли касалликларнинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиш, кашшоқлик ва саводсизликка барҳам бериш, саноат хом ашёси, энергия манбалари ва озиқ-овқат билан таъминлаш, конъюктин ва жаҳон океани ресурсларини ўлаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар қиради.

**ЁШЛАРНИ ГОЯВИЙ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Нематова Р.Р.

БухДУ, Бухоро, Ўзбекистон

Шахе кадр-қиммати ва эркинлиги, иқтимоий адолат барқарорлик Ўзбекистондаги иқтимоий ўғаришларнинг бош мақсади эканлиги, инсонпарварлик - инсоний муносабатларнинг, инсон ва жамиятнинг маънавий асоси эканлигини ёш авлод онига сингдириш бутунги куннинг долзарб вазифасидир. Ўзбекистонда маънавий янгилавишлар ва уларнинг асосий масалалари, халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг вужудга келиши ва тараққиёти, кишилар ўртасида ва жамият билан ўзаро муносабатларнинг жамият ҳаётидаги ўрни, шахе ҳуқуқий маданиятнинг қарор топиши, жамиятнинг олашумул муаммолари ва келажакги қабилар маънавий –ахлоқий муаммо нуқтан-назаридан таҳлил этилиши ва ўқувчи ёшлар онига етказилиши зарур.

Буюк бобовим Харақ Алишер Навоий айтганларидек, ота-онани ҳурмат қилиш «...фарандлар учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматин бирдек қил, хизматинг қанча ортик бўлса ҳам кам деб бил. Отанг олдида бошингни фидо қилиб, онанг боши учун бутун заминынни сизда қолсанг аривди. Икки дунёнинг обод бўлишини истасанг, шу икки одамнинг роҳининг ош!» Туну кунингта нур бериб турган - бирисини ой деб бил, иккинчисини қуш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чеган чегисдан ташқарига бир қадам ҳам босма.

Шунингдек, буюк жамиятшунос олим А.Н. Форобий бу масалага давлат сийёсати даражасида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлаган эди. Форобий ёшлар тарбиясига, уларни яхши фазилат эгаси ахлоқи пок кишилар бўлиб етишининг алоҳида эътибор қаратди. Олим бу вазифаларни таълим-тарбия тизими орқали амалга оширишни уқтирди. «Инсон табиатан «фотил» ёки «жоҳил» бўлиб тутилмайдми. Ундаги салбий ёки ижобий жиҳатлар тарбия ва ташқи муҳит таъсирида кейинчалик шаклланади. «Шу сабабли тарбиячининг вазифаси одамларга яхши хизмат ва фазилатларни шакллантиришдир», -дейди аллома. Шунинг учун ёшлар тарбиясига улар тутилган пайтдан бошлаб алоҳида эътиборни қаратиш

**«Педагогические и психологические особенности развития,
формирования и становления личности врача»**

зарур. Болаларга таълим ва тарбия бериш эса энг аввало онладан бошланади. Кейин эса боғчада, маҳаллада, мактабда ва бошқа социал институтларда улардаги сифат- фазилатлар шаклланади. Болаларни келажакда қандай шахс бўлиб етишиши айнан мана шу соҳаларга боғлиқ. Зеро, Ўзбекистонда мустақилликни ҳамма қила оладиган, ҳар қандай шоядипарастликка, сийсий-иқтисодий ҳамда маънавий қолоқликка ва қарамликка қарши кураша оладиган замонавий билим ва саводхонликка эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб муаммосидир. Миллатнинг таракқиёти ва тақдирى ҳам айнан мана шу масала билан боғлиқ. Президентимиз ҳам қатъий таъкидлаб шундай дейди - «Келажак бугундан бошланади. Ҳозир тарбия масаласига эътибор қилинмаса, келажак бой берилади. Тарбиядан ҳеч нарса ни аямаслигини лозим. Таълим-тарбия масаласи ҳамма замонларда ҳам энг долзарб масала бўлиб келган. «Маънавий ва ахлоқий покликни, иймон, инсоф, динбат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чиннакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан келмайди, ҳаммасининг заминида тарбия этади». Форобий бунидан 12 аср илгаридек таълим-тарбия масаласининг нақадар долзарблигини таъкидлаган эди. «Тарбия,-деган эди доғишмаид, бу – кишиларга билим бериш йўли билан, уларни ақлли, маданиятли ва ахлоқли қилиш воситасидир». Доғишманднинг фикрича таълим-тарбия икки нарса ни ўз ичига олади: Булардан биринчиси: болаларга фан асосларини, яъни напарий билимларини бериш; иккинчиси: эса тарбия яъни ёшларга касб хунар ўргатиш, буниинг учун уларда хушқ-одоб нормаларини шакллантириш ва амалий малакаларини ўргатишидир. «Таълим фақат сўз ва ўргатиш билангина бўлади. Тарбия эса амалий иш ва тажриба билан ўргатишидир, яъни шу халқ, шу миллатнинг амалий малакаларидан иборат бўлган иш-харақатга, касб-хунарга берилаган бўлишидир»-дейди аллома.

Мутафакқир инсонни ва инсоният жамиятини ҳар томонлама етук, мукамал қилиб тарбиялаш учун таълим-тарбия усулларининг ва воситаларининг ҳамма формаларидан фойдаланиш лозимлигини насларат беради. Шунинг учун у таълим билан тарбия ўртасидаги тафовутни яқини тушутиради. У таълим-тарбия бериш усулларини ҳам иккига ажратади. Биринчи усул-тарбияланувчининг характери хоқини иштилошларига, руҳий майлларига қараб таълим-тарбия бериш ёки аста-секин тушутириш, аниқлаш орқали олиб борилади. Иккинчи усул эса - мажбур этиш, чора кўриш, мўлжалланган мақсадга бўйсундириш ва унга йўнаттириш йўли билан олиб борилади. Ҳар иккала усул ҳам барқамол шахсни тарбиялаб етиштириш ни напарда тутати. Бунидан ташқари Форобий ўқитувчи билан ўқувчи яъни устоз-шогирд ўртасидаги инсоний муносабатларга ҳам эътиборни қаратади.

**МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР АҚЛИЙ ИМКОНИЯТЛАРИНИНГ МАКТАБ
ТАЪЛИМИГА МУТАНОСИБЛИГИ МАСАЛАЛАРИ**

Нематова Р.Р., Ҳамроев Ж.У.
БухДУ, Бухоро, Ўзбекистон

Ҳозирги кунда мактабгача таълим тизимида қатор ислоҳотлар ўтказилмоқда, уларнинг барчаси болалар ва педагоглар манфаатлари йўлида хизмат қилишга, шунингдек, мактабгача таълим сифатини яқинлашга қаратилган. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришнинг асосий мақсад ва натижалари болаларни жисмоний ва ақлий жиҳатдан ривожлантириш, уларнинг руҳият, шахсий қобилиятлари, иштилош ва эҳтиёжларини қондириш, миллий ва умуминсоний қадриятларга, мустақиллик гоёларига содиқ ҳолда воёга етиб бориш ни таъминлаш, уларни мактабгача ёшдаги болалар таълим-тарбиясига қўйилган давлат талабларига мувофиқ мактаб таълимига тайёрлашдан иборат. Таълим-тарбия жараёни якунида мустақил фикрлайдиган, эркин, билимли, бир сўз билан айтганда барқамол шахсни воёга етказиш асосий мақсад қилиб белгилади. Бу узлуксиз таълим тизимининг илк тури – мактабгача таълимга ўнга хоё ёндошувни талаб этади.

Маълумки, ақд кенг маънода сезиш ва идрок этишдан бошлаб то тафакқур ва хаёлни ўз ичига оладиган билиш жараёналари йиниқдисиدير. Ақлий фақлият дикотанинг ҳар доим

маълум мақсадга қаратилган бўлишини талаб этади. Кишининг ақли унинг асосий фаолиятида эришган муваффақияти хусусияти билан белгиланади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларни ақлий тарбиялаш болаларнинг фаол фикрлаш фаолиятини ривожлантиришга катталарнинг маълум мақсад билан таъсир эттиришидир. У болаларга теварак-атрофдаги олам ҳақида билимлар беришни, уларни системалаштиришни, болаларда билишга қизиқиш уйғотишни, ақлий малака ва кўникмаларни таркиб топтиришни, билиш қобилиятларини ривожлантиришни ўз ичига олади.

Болаларни мактабга тайёрлашда ақлий тарбиянинг роли айниқса каттадир. Билимлар захирасини эгаллаш, ақлий фаолликни ва мустакилликни ривожлантириш, ақлий малака ва кўникмаларни таркиб топтириш мактабда муваффақиятли ўқиш, бўлиғуси меҳнат фаолиятига тайёрланишнинг муҳим шартларидан биридир. Болаларнинг 6-7 ёшдан бошлаб мактабда ўқишга ўтиши муносабати билан уларни мактаб таълимига тайёрлаш учун ақлий ривожланиши етарли даражада бўлишини таъминлаш тарбиячиларнинг жавобгарлигини янада оширади. Ақлий камолот - бу ёшнинг ўсиб тарбиянинг бойиб бориши муносабати билан тарбиявий ишлар таъсири боланинг ақлий фаолиятида рўй берадиган миқдор ва сифат ўзгаришларнинг мажмуасидир. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда билим тез суръатлар билан бойиб боради, нутқ шаклланади, бола энг оддий ақлий фаолият усулларини эгаллаб олади. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланишини таъминлаш уларнинг келажакдаги бутун фаолияти учун катта аҳамиятга эга бўлади. Бола ижтимоий муҳит таъсирида ақлий томондан ривожланиб боради. Теварак-атрофдаги кишилар билан муомала қилиш жараёнида у тилни ва у билан бирга таркиб топган тушунчалар системасини ўрнаттиради. Натيجада мактабгача тарбия ёшидаёқ бола тилни шунчалик эгаллаб оладики, ундан муомала воситаси сифатида эркин фойдалана оладиган бўлиб қолади. Ақлий ривожланиш фикрнинг кенглигида воқеаларни ҳар-хил боғлавишларда, муносабатларда кўра билиш, умумийлаштириш қобилиятида намоён бўлади.

Мактабгача тарбия ёшидаги болаларнинг ақлий ривожланиши фаолият жараёнида, дастлаб муомалада бўлиш, нарсалар билан боқариладиган фаолият натижасида, кейин эса ўқув, меҳнат, самарали фаолиятлар (расм чизиш, лой ва пластилиндан буюмлар ясаш, аппликация, қуриш-ясаш) жараёнида амалга ошириб боради. Боланинг ақлий ривожланишига таълим ва тарбия самаралироқ таъсир этади. Ҳозирги замон педагогика фани билимлар системасини ўрнаттириб олиш уларни жамғариш, ижодий тафаккурни ривожлантириш ҳамда янги билимлар ҳосил қилиш учун зарур бўлган билиш фаолияти усулларини эгаллаб олишни ақлий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари деб ҳисоблайди. Мактабгача тарбия ёшидаги болаларда ақлий тарбия беришни тўғри ташкил этиш уларнинг ақлий ривожланиш қонуниятларини ва имкониятларини билиш керак. Ақлий тарбиянинг назифаси унинг мазмунини методи ва ташкил этишига қараб белгиланади. Олимлар ақлий ривожланиш ва ақлий тарбияга оид кўпгина масалаларни тадқиқ қилмоқдалар, бу мактабгача тарбия ёшидаги болалар ақлий тарбиясининг асоси бўлган сенсор тарбиянинг мазмуни ва методини ишлаб чиқиши учун зарурдир, болаларнинг кўргазмали ҳаракатли, кўргазмали образли ва тушунчали-мантқий тафаккурини шакллантириш тадбиқ этилмоқда, уларнинг билиш қобилиятларини шакллантиришнинг ўлига ҳос томонлари аниқланмоқда. Кейинги йилларда олиб борилган психологик - педагогик тадқиқодларнинг натижалари мактабгача тарбия ёши даврида болаларнинг ақлий ривожланишида жуда катта имкониятлар мажмуудлигини кўрсатади. Буларнинг ҳаммаси мактабгача тарбия ёшидаги болаларга бериладиган билим, кўника ва малакалар мазмунини янада чуқурлаштириш, ҳажминини кенгайтириш мақсадига мувофиқ эканлигини кўрсатади. Мактабгача тарбия ёшининг охирига келиб болалар теварак -атроф тўғрисида катта ҳажмдаги энг оддий билим ва тушунчаларга эга бўлиб қоладилар, асосий фикрлаш жараёнларини эгаллаб оладилар, нарса ва буюмлардаги, воқеаларда муҳим ва муҳим бўлмаган томонларини ажрата оладиган бўлиб қоладилар, уларда ўқув фаолиятининг дастлабки куртаклари шаклланади. Фақат яхши ташкил этилган фаолият жараёнидагина тўла қонли ақлий ривожланиш рўй беради, шу